



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 246 (12.807)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ САЙЛОВДА ОВОЗ БЕРДИ

Мамлакатимизда 2014 йил 21 декабрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 21 декабрь куни овоз бериш учун Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи 644-сайлов участкасига ташриф буюрди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда Конституция билан кафолатланган сайлов тизими яратилди. Бу тизим изчил такомиллаштириб боришда.

2005 йилдан буён Ўзбекистонда икки палатали парламент фаолият кўрсатмоқда. 2003 ва 2008 йилларда Бош қомусимиз, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси-га сайлов тўғрисида»ги, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонунларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Бунинг самарасида миллий сайлов тизимининг босқичма-босқич либераллашуви, икки

палатали парламент сайловларининг халқаро нормаларга тўла мос ҳолда ўтказилишини таъминлайдиган мукаммал қонунчилик базаси шаклланди.

Президент Ислам Каримов томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида қабул қилинган қонунлар Олий Мажлисининг жамиятимиз ҳаётидаги роли ва аҳамиятини сезиларли даражада кучайтирди. Сайлов яқунларига кўра парламентда энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партия томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазир номзоди тақлиф этилиши таъминли ҳамда ҳукуматга нисбатан ишончсизлик вотуми институтининг жорий этилиши ўз мазмун-моҳияти билан мамлакатимизни ислох этиш ва демократлаштиришнинг янги босқичини бошлаб берди.

(ЎЗА)

Сайлов — 2014

ПАРЛАМЕНТ САЙЛОВИ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИНГ ҲАМЖИҲАТЛИГИНИ НАМОЙИШ ЭТДИ



Ўзбекистонда 2014 йил 21 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўлиб ўтди.

Сайловнинг дастлабки натижаларига бағишлаб 22 декабрь куни ўтказилган матбуот анжуманида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абду-саломов парламент сайлови мамлакатимизни янада демократлаштириш, янгилаш ва модернизация қилишда муҳим босқич бўлганини таъкидлади.

Матбуот анжуманида дастлабки маълумотларга кўра, сайловда 18 миллион 400 мингдан ортиқ сайловчи иштирок этгани ва бу рўйхатга киритилган сайловчилар умумий сонининг 89 фоизини ташкил этиши маълум қилинди. 8311 нафар сайловчи эса мuddатидан олдин овоз бериш имкониятидан фойдаланди. Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонунининг 44-моддасига мувофиқ парламент Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови ўтган, деб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловнинг дастлабки натижаларига кўра, 113 сайлов округидан депутатлар сайланди. Қонунчиликка биноан қолган 22 сайлов округида икки ҳафта мuddатда депутатликка энг кўп овоз олган икки номзод бўйича такрорий овоз берилди.

Тадбиркорлар ва ташкилаторлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан 47, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясидан 28, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан 21, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан 17 депутат сайланди.

Сайлов куни Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг конференцияси ҳам бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир маъмурий-ҳудудий бирлиги ва Экоҳаракат Марказий кенгаши Ижроия қўмитасининг вакилларида Қонунчилик палатасига номзод этиб кўрсатилган 15 нафар депутат яширин овоз бериш йўли билан сайланди.

Матбуот анжуманида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва сайлов тўғрисидаги бошқа қонунларда мустаҳкамланган барча демократик норма ва принципларга риоя этилган ҳолда ўтказилгани таъкидланди.

Сайлов жараёнида маҳаллий ва хорижий қўзғатувчиларнинг фаолият кўрсатгани унинг очкилиги ва ошқоралигини таъминлашга ёрдам берди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини элликдан ортиқ давлатдан ва беш халқаро ташкилот — Европада ҳавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси ва Ислам ҳамкорлик ташкилотидан 300 дан зиёд қўзғатувчи, шунингдек, депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партияларнинг 70 мингдан ортиқ қўзғатувчи ва ваколатли вакили қўзғатиб борди.

Сайловни мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг 340 нафардан зиёд вакили ёритди. Уларнинг фаолиятига қўмаклашиш мақсадида сайловларни ёритиш бўйича Республика матбуот маркази ташкил этилиб, унда журналистлар учун барча шароит яратилди. Бу ерда матбуот анжуманлари, брифинг ва семинарлар ўтказилди.

Марказий сайлов комиссияси раиси жойлардан сайловга доир қонунчилик талаблари бузилганлиги ҳақида маълумотлар келиб тушмаганини таъкидлади. Шундай бўлса-да, Марказий сайлов комиссияси ишонч телефони орқали муносабатлар, тақлифлар, баъзи масалалар юзасидан эътирозлар бўлди. Уларнинг барчасини қонунда кўрсатилган тартиб ва мuddатда қўриб чиқиш ва ҳал этиш бўйича тегишли чоралар кўрилди.

Айни пайтда Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссиялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг олий органи — Конференция томонидан тақдим этилган баённомалар ҳамда бошқа ҳужжатларни ўрганиб чиқмоқда. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонунга мувофиқ ушбу ҳужжатларнинг ҳаммаси, зарур ҳолларда эса алоҳида участка сайлов комиссияларининг материаллари Марказий сайлов комиссияси томонидан яна бир бор синчиқлаб қўриб чиқилади. Шундан сўнг Марказий сайлов комиссияси сайлов яқунлари тўғрисида қарор қабул қилади.

(Давоми 2-бетда)

— Мамлакатингиздаги қатор сайлов участкаларида бўлиб, овоз бериш жараёнини қўзғатиб, унинг демократик нормаларга тўла мувофиқ, адолатли, шаффоф ва холисона ўтганига ишонч ҳосил қилдим. Сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин амалга ошириши учун халқаро талаблар даражасида имконият ва шароит яратилди. Бу жараёнда уларга ташқаридан таъсир қилиш, аралашуш ҳолатлари умуман қўзғатилмади. Сайловчилар сайловга оид қонунчиликдан, депутатликка номзодлар ҳақидаги маълумотлардан яхши хабардор экани сезилиб турди. Ўзбекистон фуқароларининг, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий маданияти ва сиёсий фаоллиги юқори экани сайловнинг самарали ўтишини таъминлади. Сайлов участкаларининг ҳаммасида ушбу сиёсий тадбирга пухта тайёргарлик қўрилгани яққол кўзга ташланди.

Сиёсий партиялардан депутатликка кўрсатилган номзодлар сайловдаги кампанияси ва ташвиқотида ўз дастурлари ва ғоялари билан фаол иштирок этди. Бу сиёсий партиялар ўртасидаги рақобат кучайиб бораётганидан далolat беради.

Мамлакат парламентида Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари учун 15 депутатлик ўрнининг ажратилгани муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга ва ибрат олишга лойиқ. Барча жаҳада бўлганидек, экология соҳасида ҳам табиат билан инсон муносабатини тартибга солишда қонунлар муҳим ўрин тутди. Экологик ҳаракатдан сайланган депутатлар келгусида бу борадаги ҳуқуқий базани янада такомиллаштиришга, атроф-муҳит муҳофазасини яхшилашга, иқтисодий механизмларни ривожлантиришга муносиб улуш қўшади, албатта.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Ягона порталда Ўзбекистон ҳудудига темир йўл транспорти воситасида олиб кирилатган юклар тўғрисида маълумот олиш хизмати ишга туширилди.

• Навоий шаҳрида Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий форумининг ҳудудий босқичи бўлиб ўтди. Форум Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий ассоциацияси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Навоий вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва «Нуроний» жамғармаси томонидан ташкил этилди.

• Фарғона шаҳар Марказий деҳқон бозори капитал реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди.

• Андижон вилоятининг Жалақудук тумани фуқаролик ҳолати даволатномаларини ёзиш бўлими капитал реконструкция қилинган янги бинода иш бошлади.

• Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасида очик давлат маълумотларини шакллантириш, бизнес ва бошқарув жараёнларини АКТ ёрдамида оптималлаштириш масалалари муҳокама қилинди.

ЖАҲОНДА

• Бразилиянинг шимоли-шарқий Пиану штатида рўй берган йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида 7 киши ҳалок бўлган. Хабарларга кўра, транспорт воситаларини қувиб ўтаётган шаҳарлараро қатновчи автобус ёқилғи моддалари ташувчи автоцистернага бориб урилган. Кучли ёнғин натижасида ҳар икки машина ёниб кетган.

• Террорчилар томонидан Покистондаги мактаблардан бирига ҳужум уюштирилган. Пешоварда жойлашган ҳарбий мактабда амалга оширилган ҳужум оқибатида 100 нафардан ортиқ одам ҳалок бўлган, уларнинг аксари мактаб ўқувчиларидан иборат.

• Малайзия шимоли-шарқидagi кучли сув тошқинлари оқибатида 1,5 минг киши эвакуация қилинди. Хабарларга қараганда, кўп микдордаги ёнғингарчилик Тренгану штатида сув тошқинларини келтириб чиқариб, аҳоли вақтинчалик турар-жойларга кўчирилган.

• Миадзаки вилоятида парранда гриппи тарқалиши оқибатида 4 мингдан ортиқ жонивор йўқ қилинган. Вирус Набиоки шаҳридаги паррандачилик фабрикасида аниқланган. Сўнгги қунларда бу ерда 30 дан ортиқ парранда ҳалок бўлган. Текширувлар натижасида уларнинг айнан парранда гриппи оқибатида ҳалок бўлгани тасдиқланган.

Тошкентда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Ислам ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги қўзғатувчилари миссиялари томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни қўзғатиш натижалари бўйича матбуот анжуманлари ўтказилди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти қўзғатувчилари миссияси 19-22 декабрь кунлари парламент сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан мониторинг олиб борди. Матбуот анжуманида миссия қўзғатувчиларининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловни қўзғатиш натижалари бўйича баёнотини миссия раҳбари, ШХТ Бош котиби ўринбосари Махмудшариф Ҳақдодов ўқиб эшиттирди.

Ҳужжатда таъкидланишича, «сайлов кампанияси доирасидаги барча тадбирлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига қатъий мувофиқ равишда очик ва ошқора ўтди. Сиёсий партиялар ва депутатликка номзодларга оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ва кенг имкониятлар яратилди. Партиялар сайловчилар билан мустақил учралиш имконига эга бўлди».

Овоз бериш ва сайлов яқунларини тархисоб қилиш жараёнини ҳолис баҳолаш мақсадида миссия Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида жойлашган участка сайлов комиссияларининг фаолияти билан танишди. Сайлов куни миссия пойтахтимизда, шунингдек, Тошкент вилоятининг шаҳар ва аҳоли пунктларида 2014 йил 21 декабрда овоз бериш учун ма-

КУЗАТУВЧИЛАР МИССИЯЛАРИ: ЎЗБЕКИСТОНДА САЙЛОВ ЮКСАК ТАШКИЛИЙ САВИЯДА ЎТДИ

ҳаллий вақт билан соат 6.00 дан 20.00 гача очик бўлган 73 сайлов участкасида бўлди.

«Таъкидлаш жоизки, сайлов участкаларининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилиги талабларига биноан ташкил этилди. Овоз бериш давомида мамлакат фуқароларининг фаоллиги қўзғатилди», — деди қўзғатувчилар.

Миссия вакиллари сайлов участкаларининг ёпилишида ҳам иштирок этди. Мазкур жараёнларда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунчилик палатасига сайлов ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Ўзбекистон томонидан қабул қилинган халқаро мажбуриятларга мувофиқ равиш-

да ўтказилди, деб ҳисоблайди. Миссиянинг фикрича, сайлов очик, ошқора ва демократик руҳда ўтди.

Ислам ҳамкорлик ташкилоти қўзғатувчилари миссияси ҳам Ўзбекистон парламенти кўйи палатасига сайлов мониторинги бўйича салмоқли ишларни амалга оширди. Матбуот анжуманида миссия раҳбари, Ислам ҳамкорлик ташкилотининг сиёсий масалалар бўйича департаменти директори Али Аболхассани сайловни қўзғатиш доирасида миссия аъзолари Марказий сайлов комиссиясида учрашувлар ўтказгани, пойтахтимизда жойлашган округ ва участка сайлов комиссиялари фаолияти билан танишгани, сайловчилар билан мулоқотда бўлиб, Бухоро вилоятидаги сайлов участкаларида овоз бериш жараёнини қўзғатганини таъкидлади.

(Давоми 2-бетда)

БАТАН, ХАЛҚ ТАҚДИРИГА ДАХЛДОРЛИК ТУЙҒУСИ ЯҚҚОЛ НАМОЁН БЎЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига 21 декабрь куни бўлиб ўтган сайлов жараёнларини хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан келган уч юздан зиёд қўзғатувчи бевосита қўзғатиб борди. ЎЗА мухбирлари уларнинг айримлари билан суҳбатда бўлиб, мамлакатимизнинг сайлов тизими ва овоз бериш жараёни ҳақидаги фикрлари билан қизиқди.

Махмудшариф ҲАҚДОДОВ, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Бош котибининг ўринбосари:

— Тошкентдаги қатор сайлов участкаларида бўлиб, Ўзбекистонда ўтказилган парламент сайлови жараёнларини синчковлик билан қўзғатди. Ўзбекистон фуқароларининг ўз конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш учун барвақт сайлов участкаларига келгани, жараёнда фаол иштирок этгани, улардаги байрама ва кўтаринки кайфият менда, айниқса, ўзгача таассурот қолдирди. Бу халқингиз қалбида юртингизда рўй бераётган сиёсий жараёнларга, мамлакат тақдири ва унинг эртанги кўнига дахлдорлик ҳисси муҳассам эканидан далolat беради.

Ўзбекистоннинг сайлов тизимини ва бу борадаги қонунчиликни янада такомиллаштириш бўйича улкан ишлар амалга оширилган. Ушбу омил сиёсий партиялар ва депутатликка номзодларнинг ўз сайловдаги ташвиқотларини халқаро демократик стандартлар асосида ўтказишини таъминлади.

Ўзбекистонда ўтказилган сайловларга хорижий оммавий ахборот воситалари ва халқаро қўзғатувчилар томонидан қатта қизиқиш билдирилгани эътиборга молик. Бу Ўзбекистонда ўтган мазкур сиёсий воқеанинг гоят муҳим аҳамият касб этишидан далolat беради.

Абдул Малик БАЛОЧ, Белужистон вилояти бош вазири (Покистон):

Реклама ўрнида

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА
ИНСТИТУТИ ЖАМОАСИ

юртдошларимизни янги —

2015 йил

билан самимий қутлаб,

ҳар бир оилага ўз эзгу тилаklarини
изҳор этади:Янги йил соғинчи, она заминга
муҳаббат, Ватанга садоқат,
эртанги ёруғ ва бахтли кунларга
ишонч ҳисси сиз азизларни асло
тарк этмасин.Тинчлигимиз барқарор,
истиқболимиз порлоқ бўлсин!

«1-АВТОБУС САРОЙИ» ОАЖ ЖАМОАСИ

ҳамшаҳарларимизни кириб келаётган янги —

2015 йил билан самимий муборакбод этади.

Азал-азалдан эзгу тилаklar рамзи бўлган
янги йил барчамизнинг хонадонимизга тўкин-

сочинтик, фаровонлик,

бахт ва омад олиб келсин.

Кексаларни эъзозлаш йили қутлуг бўлсин,
азизлар!

Диққат! Диққат! Диққат!

Барча юридик ва jismonий шахслар, шу
jumладан чет эл инвесторлари диққатига!Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монопо-
лидан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмита-
сининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, «Ko'chmas mulk
savdo xizmati» МЧЖ бошлангич нарх босқичма-босқич ошиб
бориши тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига
таклиф этади!Аукцион савдоларига қуйидаги давлат активлари қўйилади:
Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш депар-
таменти тасарруфидаги: Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Ни-
луфар тор кўчаси 1-уй манзилида жойлашган бино-иншоотлар.
Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи:
умумий майдони — 2765 кв.метр.
Бошлангич нархи — 2 846 747 807 сўм.
Балансда сакловчи: Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолар-
дан фойдаланиш департаменти.Фаолияти ихтисоси: Бинолардан фойдаланиш.
Савдо ташкилотчиси: «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ,
Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-
уй. Тел/факс (8-371) 228-84-48, веб-сайт: www.1kms.uz. элек-
трон почта: rieltssavdo@inbox.uz. Лицензия: RR 0001.Аукцион савдоси 2015 йил 23 январь куни соат 11.00
да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўча-
си, 1-А-уйда ўтказилади.Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, тақро-
рий савдолар 2015 йил 6, 20 февраль, 6, 20 март, 3, 17
апрель, 1, 15, 29 май, 15, 29 июнь кунлари, соат 11:00 да
бўлиб ўтади.Аукцион савдолари натижалари бўйича голиблик баён-
маси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-
соти шартномаси тузилади.Талабгорлар давлат активи бошлангич нархининг 15 фои-
зидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси
«Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг қуйидаги банк рек-
визитларига закат пулини тўлашлари лозим: ОАИТБ «Ипак
йўли» Савбон филиали, ҳ/р: 20208000904920609114; МФО:
01036; СТИР: 207122519.Аукционда қатнашишга бюртманомга қабул қилиш билди-
ришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдириш-
номада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган куни сав-
до бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчиси талабгор
ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда бел-
гиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳуж-
жатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга бюрт-
маномани икки ҳушда тақдим этади:юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик
тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ вако-
латли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатла-
рида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини
тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишонч-
нома; jismonий шахслар учун — паспортнинг нусхаси, аукционда
тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун
ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ
ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг
нусхаси илова қилинган ишончнома; — аукцион тўғрисидаги
билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закат
тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани,
1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй.Маълумотлар учун телефонлар: (8-371) 228-84-48. Факс:
(8-371) 228-80-23.Электрон почта: rieltssavdo@inbox.uz. Интернет тармоғида-
ги веб-сайт: www.1kms.uz, www.gki.uz, www.gkitorg.uz.Ҳурматли тadbirkor ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтқа-
зиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз
бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (8-371) 259-
21-37 рақамли Ишонч телефонида гузлик билан хабар бери-
шингиз сўралади!

Савдоларга марҳамат қилинг!

«Қибрай» клиник санаторийси
юрак-қон томир ва асаб тизими
касалиklarини даволаш бўйича
мамлакатимиздаги етакчи
ихтисослаштирилган
сиҳатгоҳдир.Бу ерда 2 нафар профессор, олий
тоифали кардиолог, невропатолог,
пульмонолог ва бошқа етук мутахас-
сислар тиббиётнинг энг илғор усул-
лари асосида беморларни даволай-
дилар.Фин, турк, япон сауналари, бас-
сейн, жакузи ванналари, фитобочка,
инфрақизил нур билан даволаш хо-
наси ишлаб турибди.Сиҳатгоҳда фитобар, теннис корти
ва кўплаб қулайликлар мавжуд.Яшаш хоналари кабель ТВ ва маи-
ший электр асбоблари билан жиҳоз-
ланган.Ошхонада 5 маҳал парҳез таомлар-
ни ўз ичига олган таомнома тавсия
қилинади.Манзилимиз: Тошкент вилояти,
Қибрай тумани, Қибрай қўргони.Метронинг «Буюк Ипак йўли» бекати-
дан 101-автобус ёки 135-йўналишли та-
сида «Дача» бекатига бориш мумкин.Тел: (8-371) 286-01-46, 286-02-00,
286-01-97«Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ томонидан «БИР-
ЖА» газетасининг 04.12.2014 йилдаги 139-140-сонда,
«Тошкент оқшони» газетасининг 05.12.2014 йилдаги
239-сонда ва «Ишонч» газетасининг 04.12.2014 йил-
даги 147-сонда чоп этилган хабарномадаги аукцион
савдосига чиқарилган Тошкент шаҳри, Сергели тумани,
Жанубий sanoat ҳудуди, Нилуфар кўчасида жой-
лашган умумий майдони 8226 кв.м бўлган бино ва
қўшимча аниқланган иншоотлар деб кўрсатилган, ўрнига
Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Жанубий sanoat ҳуду-
ди, Нилуфар кўчасида жойлашган умумий майдони
8226,25 кв.м бўлган бино-иншоотлар ва қўшимча аниқ-
ланган иншоотлар деб ўқилсин.
Маълумот учун тел.: 228-84-48, 228-80-23. Лицен-
зия: RR 0001.«Сувсоз» давлат унитар корхонаси раҳбарияти ва
корхона касба уюшма қўмитаси шаҳар сув тармоқлари
бошқармаси бошлиғи ўринбосари, корхона фахрийси
Баҳодир Абдусаматович АХМЕДЖАНОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила
аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

“4 - АВТОБУС САРОЙИ” ОАЖ ЖАМОАСИ

O'ZSANOATQURILISHBANK

Хурматли қўрдошлар!

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ

Сизларни кириб келаётган Янги — 2015 йил билан

чин юракдан муборакбод этади!

Сизларга мустақам соғлиқ, бахт,

оилангизга тинчлик ва осойишталик тилайди,

янги йил ҳаммага омад келтирсин!

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ юқори даромадли омонатларни қўлай шартлар асосида тақдир этади.

Миллий валютадаги омонатлар:

«Коммунал тўловлар учун»

Омонат тури – миллий валютадаги жамғарма омонати.
Муддати – 12 ой.
Қўшимча шартлари – ҳисобланган фозлар ҳар ой омонатчининг коммунал тўловларига ўтказиб бериллади.

«Ягонасан Ватақин»

Омонат тури – миллий валютадаги жамғарма омонати.
Муддати – 4 ой.
Қўшимча шартлари – қўшимча бадал қабул қилнади, ҳисобланган фозлар ҳар ойда тўлаб бериллади.

Хорижий валютадаги омонатлар:

«Оила капитали»

Омонат тури – АҚШ долларидagi жамғарма омонати.
Муддати – 12 ой.
Қўшимча шартлари – фозлар ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг курс буйича миллий валютада тўлаб бериллади.

«Жозоба»

Омонат тури – АҚШ долларидagi жамғарма омонати.
Муддати – 2 ой.
Қўшимча шартлари – фозлар ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг курс буйича миллий валютада тўлаб бериллади.

• Банк ўз миқдорларининг омонатларининг фоз даромадлари билан бирга тўлиқ қайтариб берилишини кафолатлайди.
• «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ аҳоли омонатлари Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланган.
Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: (8 371) 140-66-32, 140-66-33.

Пойтахтимизда шахмат бўйича «Тошкент қиши» турнири бўлиб ўтди. Унда 40 нафардан ортиқ иқтидорли шахматчи ғолиблик учун баҳslashди.

Шахмат

ШАХМАТ ТУРНИРИ ЯКУНЛАНДИ

Тўққиз турдан иборат мусобақада Георгий Шванов Даврон Анваров, Саид Қодиров, Александр Кривенко, Елена Вербова, Шамсиддин Воҳидов, Бахтиёр Жумаев ва Алишер Жабборбергеновни мағлубиятга учратиб, Саидқабар Сайдалиев ва Абдумалик Абдусалимов билан дуранг ўйнади ҳамда 8 очко билан турнир ғолиби бўлди.

Мусобақа давомида мағлубиятсиз иштирок этган яна бир шахматчи Саидқабар Сайдалиев 7,5 очко билан иккинчи ўринни эгаллади. У тўққиз партиянинг олтитасида ғалаба ва учта

дуранг натижа қайд этди.

Шамсиддин Воҳидов Мухайё Нортхожиева, Жавлон Жўрабеков, Ирода Иброҳимова, Абдумалик Абдусалимов, Нодирабегим Парлиева ва Бахтиёр Жумаевни мот қилиб, Елена Вербова ва Саидқабар Сайдалиев билан дуранг ўйнади. Георгий Швановга имкониятни бой берган Ш.Воҳидов якунда етти очко билан турнир жадвалининг учинчи поғонасини эгаллади.

Б.АЙТМУРДОВ,
ЎЗА мухбири

Мутахассис маслаҳати

ЭХТИЁТ ЧОРАЛАРИ КЎРИЛАДИ

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг халқимизнинг мева-заминат маҳсулотида бўлган эҳтиёжини қондиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Шундай шароитларда боғдорчиликда хавфли карантин ҳашаротлари рўйхатида киритилган Америка оқ капалагининг юртимизга кириб келиши хавфи сезилмоқда. Америка оқ капалаги айқисмон ҳашаротлар оиласига мансуб бўлиб, қанотлари ёзилганда 20-25 ммга етади, оқ рангли қанотларида доғлар мавжуд. Қўртининг узунлиги 20-35 мм, юқори қисмида жигарранг қора ҳоллари ва узун туки, ён томондан сариқ йўли ва тўқ сариқ мўйлови бор.

Америка оқ капалаги 250 дан ортиқ ўсимликларга зарар етказиши, улар орасида тут дарахти ҳам бор. Бир йилда иккита авлод беради. Қўртлар қишги пўстлоқ остида ўтказишади. Биринчи авлод капалаклари май ойида, иккинчи авлоди июль ва август ойларида учиб чиқади. Баргнинг қуруқ қисмига 200-2000 тагача туҳум қўяди. Ёш қўртлар баргга гажиб ташлайди ва кейинроқ уларни бутунлай еб қўяди, бунда барг ва дарахтни тўр билан чирмаб олади.

Ўчоқларини йўқ қилиш ва Америка оқ капалаги сонини камайтириш мақсадида агротехник ва қишлоқ тадбирлар ўтказилади. Биринчидан, зараркундаларнинг уяси йўқотилади, қўртлар туттилади, ҳудуддаги чиқиндилар ёқиб ташланади, дарахтларнинг пўстлоғи тозаланади ва оҳак билан оқланади. Иккинчидан, ўсимликларга кимёвий ва бактериал пестицидлар билан ишлов бериллади. Америка оқ капалагининг микдори энтомофаглар томонидан камайтириб турилади.

Шахноза ИНАГАМОВА,
Тошкент шаҳар давлат карантини инспектори

ПИРОТЕХНИКА ВОСИТАЛАРИГА
ЧЕК ҚЎЙИШ — БАРЧАМИЗНИНГ
ВАЗИФАМИЗ

Кумуш қишининг қалбларга илиқлик олиб қирувчи шодиёнаси — янги йил байрамига ҳам санокли кунлар қолди. Уни кўтаринки кайфият ва тўкин дастурхон атрофида оила аъзоларимиз билан қутиб олиш, байрам кўрки бўлган безатилган арча атрофида турли ўйинлар ўйнаш ва қўшиқ айтиш, айниқса, «Қорбобонинг совғалари» болажонларга бир олам қувонч бағишлайди.

Аммо байрам кезлари кўча-кўйда «пақилдоқ» ўйнаб юрган болакайларни кўриб, хавотиримиз янада ортади. Бир қарашда оддий бўлиб кўринган бу ҳодиса айрим ҳолларда болажонларнинг тан жараҳати олиши, турли касалликларга, жумладан, ногиронликка сабаб бўлиши ҳақида эса баъзан ўйлаб ҳам кўрмаймиз. «Бола барибир бола-да. У отган пақилдоқ кимгадир зарар етказиши мумкинлигини қаердан ҳам билсин», деб берафқ бўламиз.

Кишларнинг тинчини бузиб, руҳиятига салбий таъсир кўрсатувчи, қўли қўқув сабаб жиддий касалликларни келтириб чиқариши мумкин бўлган пиротехника воситаларига эътиборсизлик билан қараб бўлмаслиги бугун ҳеч биримизга сир эмас. Шу боис, мамлакатимизда пиротехника воситаларидан фойдаланишнинг тартибга солишга қаратилган бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, унинг ижроси юзасидан жойларда чоратадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Жумладан, мамлакатимизда портловчи ва захарли моддаларни ишлаб чиқариш, четдан олиб кириб сотиш ҳамда бу йўналишда хавфсизлигини таъминлаш бўйича бир қатор амалий ишлар олиб боришмоқда. Шунингдек, соҳадаги қўнунчилик базисини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2010 йил

28 августда бўлиб ўтган учинчи ялпи мажлисида «Пиротехника бўюмлари муомаласи тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниб, 2010 йилнинг 23 сентябридaн қўлла қўриди. Унга кўра, пиротехника воситаларини қўнунга ҳилоф равишда ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, фойдаланиш, Ўзбекистон Республикасига олиб кириш қўнунга мувофиқ маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортишга асос бўлади. Шу ўринда айтиш мумкин, портловчи ва ёнувчи моддаларни қўллаб қўнгилсиз ҳамда қўнунга мансуб ҳодисаларга, айрим оилаларда байрамнинг қайғуга айланишига олиб келмоқда. Бу албатта, болажонларга нисбатан эътиборсизлик ва ҳатто айрим ота-оналарнинг фарзандини ҳурсанд қилиш ниятида пақилдоқлар сотиб олиб бериши сабаблидир.

Мазкур воситаларнинг байрам арафасида бозорларимизга кириб келиши ва сотилишининг олдини олиш, унинг ноҳўя таъсиридан сақланиш барчамизнинг зиммасидаги масъулиятли вазифадир.

Азизбек НИЗАМОВ,
Тошкент шаҳар саломатлик ва тиббий статистика институти директори ўринбосари

«101»

ЭЪТИБОРЛИ БЎЛАЙЛИК

Миробод тумани ИИБ ЁХБ сизлардан қуйидаги ёнғинга қарши қондаларга амал қилишингизни сўрайди:

Газ ўчоқлари жойини ўзбошимчилик билан ўзгартирманг; газ ўчоғи устида қирларни қуритманг; уйдан чиқаётганда газни ўчиришни унутманг; газ чиқаётганини сезсангиз чирокни асло ёқманг; ёқиб қўйилган электр иситиш асбоблари — электр дазмол, плита ва телевизорларни қаровсиз қолдирманг; иморатлардаги қўшимча қутқариш йўлакчалари ва автомобиль юрадиган йўлларни тўсиб қўйманг.

Ҳаётимизнинг барча жабҳаларида ёнғин хавфсизлиги қондаларига риоя қилишда масъулиятимизни оширайлик. Бу билан ҳаётимиз, давлатимиз ҳамда шахсий мулкимизни ёнғин офатидан асраган бўламиз.

Жанибек САЛИМБАЕВ,
Миробод тумани ИИБ ЁХБ инспектори, сержант

Афсуски, кўп ҳолларда ёнғинларнинг юз беришига ўзимиз сабабчи бўлиб қоламиз. Мана шу бопарволигимиз оқибатида эса қўллаб-қўлловчи келиб чиқади.

Ёнғинларнинг сабаблари эса асосан қуйидагилар: электр тармоқлари ва ускуналаридagi қисқа туташув, электр асбобларининг қизиб кетиши, болажон шўхлиги, уларни назоратсиз қолдириш ва шу каби ҳолатлардир. Айниқса, қишда уйларни иситиш учун ишлатиладиган қўллаб-қўлловчи мосламалари, шунингдек, газ плиталарининг ёқиб қолдирилиши қўллаб-қўлловчи ҳолатларга олиб келиши турган гап. Шунинг учун фуқароларимизни янада эътиборли бўлишга чақириб қоламиз.

З.БОЙМАТОВ,

ЁХБ 12-ХЕХО 4-алоҳида пост инспектори, кичик сержант



ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Ҳарорат кечаси — 1-3, кундузи — 9-11 даража илқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра, 24 декабрь кунини ҳаво ўзгариши об-ҳаво шароити шаҳар туради, кечга бориб ёмғир ҳаво муҳитида зарарли моддани мумкин. Шарқдан далазнинг сақланиб қолишига гарба томон секундида 5-10 ммгача ёғадиган шамол эсади.

(Газетанинг навбатдаги сони 25 декабрда чиқади).

Тошкент Оқшоми

Манзил: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълолар: 233-28-95,
факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рухсатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтати»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz

Буюртма Г- 1255

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди.
5605 нусхада босилди.
Қўғоз бичими А-2

Нашр учун масъул
Д. Исроилов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси, Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акматали АҚМОВ

Тошпириш вақти: 13.00 Босишга тошпирилди: 14.10